

Лев ТОЛСТОЙ

**АСОСИЙ ҚАҲРАМОНЛАРИМ — ХАКИКАТ  
(ХАТЛАР, КУНДАЛИКЛАРДАН, МАХФИЙ КУНДАЛИК)**

Ортиқбай Абдуллаев таржимаси



Лев Николаевич Толстой [1828.28.8 (9.9), Тула губерняси Ясная Поляна кишлоги — 1910.7 (20).11, Липецк вилояти, хоз. Лев Толстой бекати; Ясная Полянада дафн этилган] — рус ёзувчиси. Россиядаги кадимий дворянлар сулоласидан, граф. Петербург Фанлар Академияси мухбир аъзоси (1873), фахрий академиги. (1900). 1844—47 йилларда Козон университетининг араб-турк ва хукукшунослик факультетларида ўкиган. 1851—53 йилларда Кавказда бўлиб, жангларда иштирок этган. 1854 йил Дунай армиясига юборилган; илтимосига кўра, камалдаги Севастополга ўтказилган. Крим урушида катнашган. Толстой 1855 йилда Петербургга бориб, Н. А. Некрасовнинг «Современник» («Замондош») журнали ва журнал атрофидаги ёзувчилар (И. С. Тургенев, И. А. Гончаров, Н. Г. Чернышевский ва б.) билан хамкорлик килган. Болалик кезларида рус ва араб халк эртаклари, А.С.Пушкин шеърлари, шунингдек, Юсуф хакидаги Инжил ривояти таъсирида шеърлар ёзган. Биринчи йирик асари — «Инсон камолотининг тўрт даври» автобиографик асари («Болалик», 1852; «Ўсмирлик», 1852-54; «Ёшлик», 1855-57; «Йигитлик», ёзилмай колган). Уруш лавхалари ва аскарларнинг майший турмуши Толстойнинг «Севастополь хикоялари» (1855) тўпламига кирган хикоя ва очеркларида ўз ифодасини топган.

50-йиллар Толстой руҳий хаёт лавхалари ва майший турмуш тафсилларини тарихий воеаларнинг кенг манзараси, хаётнинг ахлокий-фалсафий асослари тасвири билан уйгунлаштиришга харакат килади. Толстой ижодида шакллана бошлаган бу ижодий тамойил «Казаклар» киссаси (1863)да, айникса, яккол кўринади. Бу асарда ўз инъикосини топган халк хаёти мавзуи ва воеаликнинг эпик тасвири Толстойнинг 60-йиллар ижодида янада терланлашади.

Рус ва жаҳон адабиёти хазинасидан мустаҳкам ўрин олган «Уруш ва тинчлик» (1863—69) эпопеяси Толстойнинг 60-йилларда ижодий камолотга эришганидан шаходат беради. Айрим совет адабиётшунослари гарчанд бу асарни Толстойнинг ўз даври муаммоларидан кочиши, деб баҳолаган бўлсаларда, ёзувчи «Уруш ва тинчлик» романи билан ўз даврида рўй берган ва ўзи шахсан гувоҳ бўлган воеаларга фаол муносабат билдирган. Энг мухими, у Наполеоннинг 1805—07 ва 1812—14 йиллардаги харбий юришлари мавзуига мурожаат этиб, кўплаб қаҳрамонлар иштирок этган эпик воеалар билан бирга қаҳрамонларнинг руҳий тасвирлари илк бор катта маҳорат билан уйгунлашган тарихий роман жанрини яратди. Холбуки, 19-аср ўрталарида эпик асарлар

даври ўтди, деган фикрлар кенг таркалган, 60-йилларда рус жамиятида куч ола бошлаган синфий зиддият ва қурашлар эса «Уруш ва тинчлик»дек эпопеяниң майдонга келиши учун унумли замин бўла олмас эди. 1812 йилда Россияниң Наполеон қўшинлари томонидан босиб олиниши мумкинлиги бир-бири билан келиша олмаган турли табака ва синфларни душманга карши қураш шиори остида бирлаштириди, Толстойниң рус халки онгидаги ана шу уйғонишга мурожаат этиши «Уруш ва тинчлик» романининг юзага келиши учун хаётбахш замин вазифасини ўтади.

Толстойниң 70-йиллар ижодида «Анна Каренина» романи алоҳида мавкега эга. «Уруш ва тинчлик»дан бу романни ёзгунига қадар бўлган даврда Толстойниң рус жамиятидаги ижтимоий тенглик ва адолат тўғрисидаги орзу умидлари рўёбга чикмади. 60-йиллардаги ислоҳот ёзувчи кутган натижани бермади. Мазкур романда Толстойниң жамият хаётида кечайтган нохуш жараёнлар ҳакидаги изтиробли ўйлари акс этди. Романда Каренинлар, Облонскийлар ва Левинлардан иборат З оиласиниң бир-бири билан чатишган, аммо мустакил сюжет чизигига эга бўлган тарихи тасвир этилган. Толстой, аксар рус ёзувчиларидек, насроний динига катта эътиқод кўйган, хаётда рўй берадиган воеаларга ва қишиларниң хатти-харакатларига хам шу дин нуктаи назаридан ёндашган. Унинг диний қарашлари жамият ва шу жамиятда яшовчи қишиларга, бинобарин, у ёки бу қаҳрамонига бўлган муносабатига, шак-шубҳасиз, таъсир ўтказган. Толстойниң оила масаласига, чунончи, Каренинлар оиласида содир бўлаётган воеаларга ёндашувида хам диний қарашлари сезилади. У жамият аъзоларида кандай чиркин хислатлар мавжуд бўлмасин, қишилар диний конун-коидалар доирасида ҳаракат килишлари лозим, акс холда жамият ҳалокат сари боради, деган фикрдан келиб чикиб, қаҳрамонлар образини яратади.

70-йилларда рухий изтироб иклимида яшаган Толстой ўз хаёт йўлини кайта назардан ўтказди ва шу жараёнда ижтимоий келиб чикиши, тарбияси ва хаёт йўли билан бөглиқ жамият катламиниң маънавий асослари ёлгонга асосланган, деган хулосага келди. Унинг бундай қарашлари «Икрорнома» (1880) ва «Эътиқодим нимада?» (1884) асарларида ўз ифодасини топди. Толстойниң шу даврда ёзган асарлари орасида «Иван Ильичнинг ўлими» (1886), «Крейцер сонатаси» (1889) киссалари, айникса, эътиборга лойик.

Толстой 80-йилларда драматургия жанрларида хам ижод килиб, «Зулмат хокимиюти» (1886) драмаси ва «Маърифат мевалари» (1890) комедиясини ёзади. Бу асарларда қишлоқ ахлидаги жаҳолат, шахар маданиятининг қишлоқка кўрсатаётган салбий таъсири катта бадиий куч билан тасвирланган.

Толстой дунёкарашида тобора кучайиб бораётган зиддиятлар унинг сўнгги йирик асарларидан бири — «Тирилиш» романи (1889—99)да ўз аксини топди. Хдётда бўлиб ўтган оддий воеа — бир суд жараёни асосида яратилган бу асарда Толстой ижтимоий адолатсизликка асосланган жамиятнинг ички, маънавий асосларини очиб ташлайди. Мазкур асардаги қишилар такдири билан воеаларниң ўзаро чамбарчас бөгликлиги масаласи «Хожимурод» (1896—1904) киссанинг хам асосини ташкил этган.

Толстой диндор ёзувчи сифатида қишилар рухиятидаги зиддиятларни тасвир этибигина колмай, ўзи хам жамият ва қишилар хаётидаги бундай зиддият ва майллардан жароҳатланиб яшаган. Ёзувчидаги мураккаб рухий холат унинг сўнгги асарлари («Тирик мурда», 1890; «Балдан сўнг», 1903 ва б.) да хам акс этган. Толстой хаётининг Ясная Полянадаги сўнгги кунлари рухий изтироблар пўртанасида кечди. У якин қишилари тўкиган игво ва фасод тўридан кочиб, 1910 йил Ясная Полянадан бош олиб чикиб

кетади ва йўлда шамоллаб, вафот этади.

Ўзбекистонда Толстой ижодига кизикиш у хаёт пайтлардаёк бошланган. Унинг «Одамлар нима билан тирик?», «Худо ҳакикатни кўрса хам тезда айта олмайди» макрлалари 1887—1902 йилларда «Туркистон вилоятининг газети»да ўзбек тилида нашр этилган. Толстой ҳакидаги «Россия мамлакатининг машхур ёзувчиси» деган макола эса 1889 йил шу газетада таникли маърифатпарвар Сатторхон Абдугаффоров таржимасида босилган. Толстойнинг болалар учун ёзган катор хикоялари Сайдрасул Азизий («Устоди аввал», 1902), Алиаскар Калинин («Муаллими соний», 1903), Абдулла Авлоний («Биринчи муаллим», 1909; «Иккинчи муаллим», 1912) сингари жадид маърифатпарварларининг ўкув кўлланмалари ва дарсликларида эълон килинган хамда усули савтия мактабларида ўқитилган.

Толстой нафакат буюк ёзувчи, балки адолатпарвар ва ҳалкпарвар инсон сифатида хам ўзбек жадидларининг эътиборини ўзига жалб этган. Биринчи ўзбек адвокати Убайдулла Хўжаев 1909 йилда Толстойга унинг ёмонликка ёмонлик билан жавоб бермаслик ҳакидаги таълимоти юзасидан хат ёзиб, ўша йилнинг 5 июнида ундан жавоб олган. Ислом динининг таникли арбобларидан бири Абдувоҳид Кориев эса 1910 йил Ясная Полянага махсус бориб, Толстой билан бир неча марта мулокотда бўлган. Аммо ўзбек ҳалкининг Толстой ижоди билан якиндан танишиши 20-асрнинг 30-йилларидан бошланган ва унинг барча асосий асарлари ўзбек тилига таржима килинган.



## 1897 йил

### С.А.Толстойга (жўнатилмаган)

19 май. Ясная Поляна.

Азиз ва кимматли Соня. Сенинг Танееев билан муносабатларнинг менга нокулайлигидан ташкари даҳшатли даражада азоблидир. Шундай шароитда яшашда давом этар эканман, ўз хаётимни захарлаб, ўзим умримга завол бўламан. Мана, бир йил бўлдики, мен одамга ўхшаб яшаб, ишлай олмайман, факат кийналаман. Сен буни биласан. Мен буни сенга аччикланиб хам, илтимос килиб хам айтдим, сўнгги пайтларда эса бутунлай индамай кўйдим. Мен хамма нарсани килиб кўрдим, аммо хеч кандай нафи тегмади: сенинг якин муносабатларинг давом этмоқда, хатто кучайиб бормоқда, кўриб турибманки, охиригача шундай бўлаверади.

Мен бунга ортик чидай олмайман. Охирги хатингни (1) олганимдан кейинги дастлабки кунларда уйдан бош олиб кетишга карор килдим. Уч кун давомида ана шу хаёл ичиде яшадим ва сендан ажралиш не чогли кийин бўлмасин, хар холда бундай тубан шубхалар ичиде ўтаётган даҳшатли кунлардан, юракни бурдалаб ташлайдиган изтироблардан кутуламан ва умримнинг охирида барибир килишим зарур деб хисоблаган ишни адо этиб, хотиржам яшашга мұяссар бўламан деган карорга келдим. Мен жўнаб кетишга аҳд килдим, аммо сени ўйлаганимда, сендан ажралиш мен учун канчалик оКир бўлишини эмас, аксинча, сен канчалик куюнишинг, азоб чекишишинг, кийналишингни ўйлаб, сени розилигингни олмасдан туриб, бу ишни килолмаслигимни англаб етдим.

Ахвол шундай: хозирги холатда жимгина яшайверишнинг деярли иложи йўқ. Нима килиш керак? Буни ўзинг хал кил. ўзинг ўйла ва нима килиш хакида бир карорга кел. Менимча, бу ахволга чек кўйиш йўллари куйидагича: 1) энг яххиси, бизни бир йилдан бери бўғиб келаётган даҳшатли расвогарчиликдан бира тўла кутилиш учун барча муносабатларни, ким нима дейишига эътибор бермасдан, бутунлай тўхтатишимиш керак. Учрашувлар, хатлар, болалар, портретлар, Анна Иванованинг (2) кўзикоринлари, Померанцевлар фойда бермайди, Маша Зандердан, Таня Поповдан озод бўлгани каби, биз хам тўла озод бўлишимиз керак. Бу энг яхши йўллардан бири. Яна бир йўли шуки, сендан бутунлай ажралиб, чет элга кетишим керак ва хар биримиз ўзимизча мустакил хаёт кечиришимизга тўКри келади. Бу йўл жуда кийин, аммо уни амалга ошириш мумкин ва у бизни бир йил ичиде бошимиздан кечиргандаримизга караганда мен учун минг марта енгил туюлади. Учинчиси шуки, Танеев билан барча алокаларни ииКишириб кўйиб, иккимиз биргаликда хорижга кетишимиз ва хамма дилхираликлар йўколиб кетгунча у ёқда яшашимиз лозим...

Тўртинчиси йўл эмас, даҳшатли синов бўлиб, мен бу ҳакда ўйлаганимда вахимага тушаман ва каттиқ афсусланаман, бу шундайки, ўтган йилдаги каби буларнинг хаммаси ўтиб кетади, бу ерда ранжийдиган нарсанинг ўзи йўқ, деб ўзимни ишонтиришим ва хозиргидек яшайверишим керак, сен хам буни сезмагандек, бизни боКлаб турадиган хамма воситаларни излаб топиб, мен билан учрашишинг, мени назорат килишинг, фахмлашинг ва азоб чекишишинг лозим бўлади — бу ерда рашкка ўрин колмайди, аслида шундай туйКу хам бор, аммо у асосий нарса эмас.

Энг асосийси, бу ҳакда сенга айтганман, буларнинг хаммаси сен учун хам, мен учун хам уят, шармандалиkdir. Бу туйгу мен Таня, Попов, Стаковичларга нисбатан бошимдан кечирганимга караганда юз марта азоблирокдир. Сен таклиф килаётган бешинчи йўл буларнинг хаммасига ўткинчи нарсалар деб караш ва сен айтганингдек, бирон гап бўлган бўлса, хаммаси жойига тушиб кетишини кутишдан иборат. Бу бешинчи йўлни мен синаб кўрдим ва азоб чекишимга сабаб бўлаётган омиллар бутунлай йўколмасдан туриб, бу оғир ўйлардан кутула олмаслигимга каттиқ ишонч хосил килдим...

## С.А.ТОЛСТОЙГА

8 июль. Ясная Поляна.

Кимматли Соня,

Кўпдан бери хаётим билан эътиқодим ўртасидаги номутаносиблик мени азоблаб келади. Сени ўзим ўргатган яшаш тарзи ва одатларингни ўзгартиришга мажбур кила олмайман, шу пайтгача сени ташлаб кетишга хам журъатим етмади, кичкина болаларни, гарчи уларга таъсири камлигини билсам-да, кўзим киймайди. 16 йил мобайнода баъзан курашиб ва сенинг Кашингга тегиб, баъзан мени курсаган мухит таъсирида турли васваса хаёлларга берилиб яшаганим сингари хаёт кечиришим сенга малол келади, энди мен бунга токат килолмайман ва кўпдан ўйлаб юрган режамни амалга оширишга — кетишга карор килдим, биринчидан, кариб-картайиб бораётганлигим сабабли умр ўтказишим тобора кийинлашиб, ёлгизликни кўпроқ кўмсайдиган бўлиб колдим ва иккинчидан, болалар улгайди, энди уйда уларга таъсири кўрсатишимга хожат йўқ, хаммангизни ўзига яраша кизикадиган нарсангиз бор, шунинг учун менинг йўклигим сизларга деярли сезилмайди.

...Агар буни очикчасига килай десам, илтимослар, бахслар, шикоятлар кўпайиб кетиб, кўнглим бўшашади ва ахдимдан кайтиб колишим мумкин, ниятимни эса амалга оширишим мукаррар. Шунинг учун хатти-харакатларим дилингизга азият етказса, марҳамат кўрсатиб мени кечирасизлар, энг мухими, сен Соня, ўз хоҳшинг билан кетишимга рухсат бер ва мени кидирма, каргама, коралаб ўтирма.

Хузурингдан кетганим сендан кўнглим колгани учун эмас. Биламанки, сен айнан менга ўхшаб, кўриш ва хис килишга кодир эмассан, ха, шунинг учун хам турмуш тарзингни ўзгартириб, ўзинг англамаган мавхум нарсалар учун хаётингни курбон килишга курбинг етмайди. Шу туфайли мен сени коралай олмайман, аксинча биргаликда ўтган 35 йиллик умримизни биринчи ярмида сен ўз табиатингга мос оналарча фидойилик кўрсатиб, бутун куч-куватингни сарфлаганингни миннатдорчилик ва мухаббат билан эслайман. Сен фидокорлик билан менга ва дунёга оналик мухаббатини баҚишлоғинг, бунинг учун сени кадрламаслик кўрнамаклик бўлади. Аммо хаётимизнинг кейинги даврида, 15 йил ичida биз бегоналашиб кетдик. Бунга ўзимни айбдор деб билмайман, сабаби мен ўзимни ёки одамларни ўйлаб эмас, балки бошкacha яшай олмаганим туфайли ўзгардим. Бу масалада менга хамдард бўлолмаганинг учун сени айбламайман, аксинча менга багишлиган меҳринг учун миннатдорлик билдираман ва хамиша мухаббат билан ёдда тутаман. Алвидо, кадирли Соня.

Сени севгучи  
Лев Толстой

**Мазкур мактуб Толстойнинг хотинига берилмасдан кабинетдаги креслолардан бирининг копламаси тагига яшириб кўйилган. 1901—1902 йиллардаги оғир қасаллик пайтида у Мария Львовнадан хатни олишни илтимос килиб, конверт устига: “Таржимаи холимга доир бу лавха кимнидир кизиктирса, вафотимдан эллик йил ўтгандан кейин очилсин”, — деб ёздирган. 1907 йил май ойида Толстой хатни сўраб олиб ўз кўли билан: “Мен томонимдан маҳсус буйрук бўлмаса, вафотимдан кейин Софья Андреевнага берилсин”, — деб ёзиб кўйган ва куёви Н.Л.Оболенскийга берган. У мархумнинг топширигини бажарган.**

**Д.П.МАКОВИЦКИЙГА**

17 декабрь. Москва.

Кадрли дўстим Душан,

Хатни жўнатиб юборганингиз ва энг муҳими, ҳамма одамлар ардоклаб севадиган яхши одам бўлганингиз учун сизга чексиз миннатдорчилик билдираман. Мен “Санъат нима?”ни тамомладим, “Фалсафа масалалари” журналига бердим ва бўлиб-бўлиб чикаришига розилигимни билдиридим...

Унинг бу ерда босилиши инглизча нашрига халакит бермайди деб умид киласман. Мен уларга хат ёздим ва телеграмма жўнатдим, аммо халигача жавоб олмадим.

Карпентерга ёзиладиган сўзбошига келганда, у мен учун кўп нокулайликлар тугдирди. Бунга сиз хам гайри ихтиёrsиз сабабчи бўлдингиз. Хотиним Гуревичга нисбатан хеч кандай сабабсиз, галати бир нафрат билан муносабатда бўлади, уни мендан бехуда кизганади. Бу ахвол улар “Хўжайн ва хизматкор”ни босиб чикаргандан бери давом этиб келади. Мен буларнинг хаммаси ўтиб кетади деб ўйлаган эдим, сўзбоши бунчалик галвага сабаб бўлишини хаёлимга хам келтирмагандим ва бу хакда унга ўзим айтишга шайланиб юргандим. Сиз юборган хабар унга даҳшатли даражада таъсир кўрсатди, мен оғир кунларни бошдан кечирдим ва “Шимол хабарномаси”дан маколани кайтиб олишимга хамда сўзбошини босиб чикаришдан бутунлай воз кечишимга тўгри келади. Шунинг учун уни сизга юбормайман...

Сизни огаларча кучиб,

Л.Толстой.

1898 йил

**Л.Л. ва Д.Ф.ТОЛСТОЙЛАРГА**

20 январь, Москва

Азизларим Дора ва Лёва, мен сизларни жуда кўп ўйлайман ва буни сизларга билдириб кўйишни хохлайман. Доранинг саломатлиги яхшими? Оилавий хаётингиз кандай ўтмокда? Машгулотларинг-чи? Чамаси, яхши бўлса керак? Биздаги шахарга хос гала-говурлар жонга тегди. Тоза кор ва тиник хаво кўйнида бўлишни доим кўмсаб юраман. Биз ахил яшаяпмиз. Таня Петербургга кетди...(3)

“Вестник Европа” учун раҳмат. Боборикин ўта зийрак.(4) У тахсинга сазовор. Мен эса Гейнени кайта ўкияпман...

**М.Л.ОБОЛЕНСКИЙГА**

13 февраль. Москва.

Азизим Маша, мендан бошка хамма сени унутди. Тинимсиз сени ўйлайман, ёнимда йўклигинг доим билиниб туради... Факат ўзингга яхши кара, мабодо қасалланиб колсанг, танткланиб кетма, хеч кимга аччик килма, аксинча, бемор бўлганинг учун ўзингни айбла. Танянинг Петербургдаги саргузаштлари мана бундай бўлди: самаралик молоканлар(5) хузуримга келган пайтда, у уйга кайтиши лозим эди. Мен унга телеграмма жўнатиб, яна бир оз колишга даъват этдим. Телеграммани олгач, у Победоносцев(6)нинг хузурига боришига карор килади. Телефонда гаплашади, у эртага соат 11 да кабул килишини айтади. Таня эрталаб кабулга отланган пайтда малоканлар мен подшоҳдан мадад сўраб ёзган хатни унга етказишади. Таня бу мактубни олиб Победоносцев хузурига боради. Уни шу захотиёқ кабулига киритишади. Таня максадини айтади ва подшоҳга ёзилган илтимосномани ўкиб беради. У: “Дар хакикат Архиерей хаддидан ошиб кетибди. 16 нафар болани тортиб олган экан. Мен хозирок болалар кайтарилисинг деб губернаторга хат ёзаман”, — дейди. Столга ўтиб: “Ислами нима?”— деб сўрайди. Таня: “Мен билмайман аниклаб келаман”, — деб жавоб бериб, кетишга чогланади. Шунда у: “Кимлигингизни айтмадингиз-ку”, — дейди, Таня: “Татьяна Львовна” деса, у: “Левнинг кизи, демак, сиз машхур Татьяна экансиз-да”, — деб хайратга тушади. Таня эса машхурлигимни билмас эканман, деб ўрнидан туради. Победоносцев у билан бирга келган молоканларга болаларни кайтаришга ваъда килади ва бу хакда ёзиб хам беради (7) . Таня бу хатни муҳим хужжат сифатида саклаб кўйган. Болалар кайтарилигани хакида халигача хабар топмадим...(8)

**С.А.СТАХОВИЧГА**

11 март Москва.

Кимматли Софья Александровна.

Машъум катл (9) тафсилотларини хозир эслай олмаяпман. Чамаси Тубецкийнинг кайдлари (унинг мактублари)(10) бор эди. Ишончли маълумотлар декабристларнинг ёзишмаларида эмас, замондошлари ва турли генералларнинг асаларида мавжуд. Стасов кўп нарсаларни билса керак. Бестужев билан Муравьевнинг якинлиги хакида мен Матв. И.В.Муравьев— Апостол хикоялари оркали хабар топганман. Бестужевнинг шахси ва ташки киёфаси хакида Петербургда яшайдиган жияни, курол заводининг директори Василий Николаевичдан маълумот олиш мумкин...

Л.Толстой.

1909 йил

**В.Г.ЧЕРТКОВГА**

31 август. Ясная Поляна.

Перно жўнаб кетганидан фойдаланиб бир-икки оғиз сўз — айнан бир-икки оғиз сўз ёзгим келди, сабаби хар куни олдингизга боришга имкон излайман. Бу икки-уч кундан кейин амалга ошса керак. Менга алоказор одамларни ташвишга кўйишни хоҳламайман. ўз ахволимни мендан кўра минг марта ёмонрок ахволдаги одамлар билан киёслаб кўриб, ўзимдан уялиб кетаман. Кеча каттиқ бетоб эдим. Шу ахволда Перно (11) билан учрашдим. Хозир хар доимги холатимдаман. Шу кунлар ичида — беш кундан бери жиддий иш килганим йўқ. Турли-туман режалар кўп — кўп нарсалар айтгим келади, аммо кувватим кам, бу хол халакит бермайди-ку, аммо ўз хохишимга хам кўймайди. Саша ёзув-чизувлар ва бошка ишларимда яхши ёрдам беради.

Кўпинча баъзи карияларга, айникса маълум йилларда сахрога чикиб кетадиган буддавийларга хавасим келади.

Бу ерга Буланже келди, уни кўрганимдан хурсанд бўлдим. У Конфуций(12) хакида китоб тайёрламокда. Мен Мухаммад(13)дан ташкари Лаотзе(14)нинг хикматларини хам кичик муқаддима билан нашрга тайёрладим. Биз Иван Иванович билан биргаликда барча донишманд рухонийлар хакида кичик китобчалар тайёрламокчимиз...

1910 йил

## С.А.ТОЛСТОЙГА

28 октябрь. Ясная Поляна.

Жўнаб кетишим сени кайгуга солади (15). Бунинг учун ачинаман, аммо тўгри тушун ва гапимга ишон, мен бошка йўл топа олмадим. Менинг уйдаги ахволим чидаб бўлмайдиган даражага етди. Буларнинг хаммасидан ташкари, мен бундан кейин шу пайтгача яшаб келганимга ўхшаб хашамат ичида яшай олмайман, одатда менинг ёшимдаги кариялар киладиган ишга кўл урдим, улар дунё ишларига кўл силкиб, умрининг охирги кунларини ёлгизлик ва сокинлиқда ўтказадилар.

Марҳамат килиб, буни тўгри тушун ва каерда эканимни билганингдан кейин хам мени излаб борма. Сенинг шундай ташрифинг хар иккимизга хам зарар етказиб, ахволимизни оғирлаштиради холос, аммо кароримни асло ўзгартирмайди. Мен билан 48 йил халол яшаганинг учун сендан миннатдорман ва сенинг олдингда гунохларим бўлса, хаммасини кечиришингни илтимос киламан, шу билан бирга, менинг олдимда биронта гунохинг бўлса, уларни чин дилдан кечираман. Менинг кетишим туфайли вужудга келадиган янги шароитга кўнишингни маслаҳат бераман, бунинг учун мен хакимда ёмон хаёлларга бориб ўтирма. Менга биронта гапинг бўлса, Сашага айт, у каердалигимни билади ва дархол менга етказади; аммо каерда эканлигимни айта олмайди, чунки буни хеч кимга билдириласлик хакида онт ичган (16).

Лев Толстой

## А.Л.ТОЛСТОЙГА

28 октябрь тонги, соат 6. Шчекино.

Яхши етиб келдик. Чамаси, Оптинага борамиз (17). Хатларни ўки. Чертковга айтиб кўй, агар бир хафта ичида 4-числогача мен фикримни ўзгартирасам, газеталарга эълон бераверсин (18). Азизам, марҳамат килиб, мен каерда эканлигимни билганингдан кейин, уни якинда билиб оласан, — жўнаб кетишимни кандай кабул килишгани ва бошка хамма ходисалардан хабар бериб тур — канча батафсил бўлса, шунча яхши (19).

## А.Л.ТОЛСТОЙГА

28 октябрь. Козельск.

Менга русча, сиёх ва ўкиётган китобларимни: Монтень, Николаев (20), Достоевскийнинг 2-жилди )21), Мопассаннинг “Хаёт” романларини бериб юбор ёки ўзинг олиб кел.

Барча хатларни ўки ва мухимларини менга: Подборка (22). Шамардинога жўнатиб тур...

- 
1. 16 майда ёзилган мактуб.
  2. С.И.Танеевнинг якин дўсти Маслова.
  3. Т.Л.Толстая 18-29 январда “Посредник” нашриётига алокадор ишлар билан шугулланиш хамда ўзи тайёрлаган француз суратлари альбомини “таргиб килиш” учун Петербургга борган эди.
  4. Толстой юборган журналда П.Д.Боборикининг “Тортишув” хикояси босилган эди.
  5. 1897 йил апрел ойида малоканлар (XVIII асрда пайдо бўлган мазхаб, улар черковни ва диний расм-русумларни тан олмаганлар) мазхабига мансуб дехконларнинг болалари полициячилар томонидан тортиб олиниб, православ дини руҳидан тарбияланишлари учун мажбуран монастирга жойлаштирилган эди. Толстой ёрдам сўраб келган дехконлар кисматини енгиллаштириш учун астойдил харакат килган. У икки марта Николай IIга хат ёзган, матбуот оркали бошка давлат арбобларига мурожаат этган.
  6. Победоносцев К.П. (1827—1907) — хукукшунос, 1880—1905 йилларда синод обер-прокурори.
  7. Т.Л.Толстая ўз кундалигида Победоносцев кабулидаги тафсилотлар хакида батафсил ёзган.
  8. Самаралик малоканлар 23 февралда барча болалар кайтарилигини Толстойга билдирганлар.
  9. Репиннинг илтимосига мувофик 8 марта Стахович ёзган хатга жавоб. 1898 йилнинг январида Москвада бўлган Репин Толстойдан расм чизиш учун бирон сюжет айтиб беришин сўрайди. 4 февралда Т.Л.Толстая кундалигида ёзган эди: Кеча дадам калласига бир сюжет келиб колганини айтди... Бу декабристларни дор остига олиб боришга боғлик. Навниҳол Бестужев Рюмин Муравьев Апостолнинг гояларидан кўра шахсини кўпроқ ёқтириб колган ва ундан бир дақика хам ажралмасди. У катл олдидан иродасизлик килиб, йиглаб юборади, Муравьев уни кучоклаб олади ва дор тагига шундай борадилар. Толстой хикоя килган бу сюжетни Стахович Репинга сўзлаб беради. Шу аснода декабристлар хакида хамда катл тафсилотлари ёзилган маълумотларни аниклаш эҳтиёжи тугилган эди.
  10. С.П.Трубецкий. “Мактублар”. Толстойнинг кутубхонасида мактубларнинг биринчи нашри сакланади.
  11. Перно Александр Яковлевич (1878—1916) — кимлигини аниклаб бўлмади.
  12. “Конфуций — хитой донишманди. Хаёти ва ижоди”. 1910 йилда Толстой таҳрири остида “Посредник”да нашр этилган.
  13. Мухаммаднинг Куръонга кирмаган хадислари. Толстой томонидан танлаб олинган.

“Посредник”, 1910.

14. “Хитой файласуфи Лао-Тзенинг хикматлари”. Толстой нашрга тайёрлаган ва сўзбоши ёзган. “Посредник”, М., 1910.

15. Толстойнинг жўнаб кетганидан хабар топган Софья Андреевна жонига касд килишга уринади.

16. Толстой эрталаб соат 7 дан 55 дакика ўтганда уйдан чикиб, поездда Шамардинога — синглиси. М.Н. Толстаянига йўл олган эди.

17. Оптина Введенский хилватхонаси — эркаклар монастири. Толстой бу ерда 1877, 1881, 1890 йилларда бўлган эди.

18. Адид 1881 йилдан кейин ёзган барча асарларидан фойдаланиш хукукини халк ихтиёрига беришга карор килган эди.

19. 29 октябрда Оптин хилватхонасига А.П. Сергиенко келиб Чертков ва А.Л. Толстойнинг мактубларини топширади. Мактубларда Толстой жўнаб кетгандан кейин Софья Андреевна ўзини кандай тутганини баён килинган.

20. П.П. Николаевнинг Оламни яратган худо хакида тушунча Женева, 1910 асари.

21. “Ака-ука Карамазовлар” романи.

22. Калуга губерниясидаги почта бўлими.

—

## 1895 йил

3 январь. Никольское Олсуфьевларникида (1). Мўлжалланганидек 1-да йўлга чиқдик. Мен сўнгги дакиагача “Хўжайнин ва хизматкор” устида ишладим. Бадиий жихатдан эпакага келди, аммо мазмуни хамон заиф. Фотосуратга боғлик воеа жуда мунгли. Хаммаси камситилган (2). Мен чертовга хат ёздим. Йўлга чикишдан олдим тобим йўқ эди, тузалмай, дармонга кирмай туриб жўнаган эдик. Яхши етиб келдик. Кейинги кунда ва хозир хам хеч кандай иш килмадим — факат ўқидим, сайдра чиқдим, ухладим...

6 январь. Никольское. Батамом согайдим, кеча ва бугун яна “Катехизис”ни ишлай бошладим. Мавзу ўзига тортади, кўнгилга якин, аммо муносиб шакл тополмаяпман ва ўзимдан норозиман. Учинчи куни кечкурун ўзим ёзган хикояни ўқидим (3). Яхши эмас. Биронта хам харакат кўринмайди. Хозир нима килишни биламан...

29 январь. Москва. Уч хафтадан кўп бўлдики, ёзаман. Олсуфьевларнида яхши яшадим. Кўпроқ хикоя билан банд бўлдим. Корректураси чикканига карамай, хали тамомлаганим йўк. Мени ёмон ахволга солиб кўядиган бир ходиса юз берди — бу подшохнинг кескин нутки (4). Шаховский ўтказган йигинда катнашдим. Бекорга борган эканман. Хаммаси ахмоклик, бу ташкилот айрим одамларнинг шахсий иродасини фалаж килиб кўяди. Уни хам корректурасини тузатдим. Яхши хатлар (5) хамда “Ватанпарварлик ва насронийлик” маколасини олдим. Нималарни дир кораладим, хозир вактим зик, кечкурун ёзишга харакат киламан.

7 февраль. Москва. Шу куни кечкурун ёзишга улгуролмадим. Бир хафтадан бери шу ахвол. Бу вакт ичида Дрожиннинг таржимаи холига кичкина сўзбоши ёздим (6) ва хикоя устидаги ишни давом эттиридим. Омадсиз хикоя. У кеча Соняning даргазаб бўлиб, шиддатли бўрон кўзгасига сабаб бўлди. У соглом эмас, мадордан колган, ёкимтой Ванечка касаллангандан бери халоватини йўкотган, менинг хам тобим келишмаяпти...

18 март. Тонг. Беш кун ўтди. Хеч нарса килмадим. Эрталаблари “Катехизис” устида ўйладим. Бир марта “Сергей ота”га уриниб кўрдим, яхши чикмади. Маша Ильяларнига кетди. Соня оғир калб изтироблари билан янги хаётга кадам кўйди. Унга ўзинг мадад бер, тангрим. Шу кунлар ичида бошим оғрияпти, жуда мадордан колганман. Кечкурунлари одамлар кўп келишади. Улар билан сухбатлашиб ўтириш менга оғирлик килади.

Ёзувчилик, айникса бадиий ижод, мен учун тўгридан-тўгри маънавий зарап етказади. Мен “Хўжайн ва хизматкор”ни ёзаётган пайтимда шухратпарастлик майлига берилган эдим. Хозирги мактовлар ва муваффакият буларнинг хаммаси бетайин иш эканини яхши кўрсатиб берди. Хозир мен маънавий жаҳатдан бир кадар уйгонгандайман. Бу уйгониш бундан икки кун аввал юз берди...

27 март, Москва. ... Кеча Лесковнинг “Васият”и (7) хакида ўйлаб колдим ва ўзим хам шундай нарса ёзишим кераклигини хис килдим. Бунга хали эрта деб уни оркага суриб келаяпман, холбуки жуда якин колди. Бу шунинг учун хам яхши ва зарурки, у якин кишиларни мурдага кандай муносабатда бўлиши хакидаги ташвишлар хамда иккиланишлардан халос килади, айни замонда тобутдан чиккан товушни яхши эшитадилар. Якинларига айтиладиган гаплар бўлса, дастлабки дакикаларда билдириб кўйган яхши.

Менинг васиятим тахминан куйидагича бўлади. Хозирча бошкасини ёзганим йўк, у асосан шундай:

1) Мени вафот этган жойимда — энг гариди кабристонга, агар шахарда бўлса, энг арzon

тобутда, энг кашшок одамлар каби дафн килишингизни сўрайман. Гуллар, гулчамбарлар керак эмас, нутклар сўзлашга хожат йўк. Иложи бўлса, руҳонийларсиз, жанозасиз кабрга кўйинглар. Мабодо бу дафн этувчилар учун нокурайлик тугдирса, хамма катори жаноза ўқилса хам майли, аммо у арzon ва дабдабасиз бўлсин.

2) Вафотим хакида газеталарда ёзилмасин ва некрологлар эълон килинмасин.

3) Когозларимни кўздан кечириш ва саралаш учун хотинимга, В.Г.Чертковга, Страховга (кизларим Тания ва Машага) берилсин (кераксизларини ўзим йўк килганман кизларим овора бўлиб юришмасин). ўгилларимга бу вазифани топширмаганимга сабаб — уларни яхши кўрмаганимдан эмас (худога шукур, айникса мен сўнгги пайтларда уларни жуда яхши кўриб колдим), улар хам мени яхши кўришларини биламан, аммо улар мени банд этган ўй-хаёлларни етарли даражада билишмайди, уларнинг кандай пайдо бўлиб, кандай шаклланганини кузатган эмаслар, бу хакда ўз фикрлари, карашлари бўлишига шубха йўк, шу туфайли улар кераксиз нарсаларни олиб колиб, сакланиши зарурларини йўк килиб юборишлари мумкин. Бўйдоклик даврида ёзган кундаликларимдан энг зарур жойларини олиб колиб, бошкаларини йўк килишларингизни илтимос киламан, айни шу тарзда оилавий хаётим давомида ёзган кундаликларимдан хам, улар эълон килинса, кимларгадир малоллик етказадиган ўринларини йўкотиш зарур. Чертков мен хаётлигимдаёк бу ишни бажаришга ваъда берган. Унинг менга нисбатан улкан мухаббатини вактида кадрлай олмадим, юксак маънавий фазилатлар сохиби бўлган бу инсон юкоридаги вазифани вижданан адо этишига ишонаман...

Умуман олганда, кундаликларимни шундай колдирса хам бўлади. Хеч бўлмаганда, улар ёшлигимдаги ярамас, бемаъни ишларимдан ташкари оз бўлса-да худо ярлакаган одам бўлганимни ва жилла курса кексайган йилларимни кўрсатишта хизмат килади.

Бошка когозларимни саралаб олиб, хаммасини эмас, одамларга нафи тегадиганларини нашр этишни илтимос киламан...

4) Асарларимни нашр этиш хукуки аввалгидек колади: уларнинг ўз жилди ва алифбени жамоатчиликка такдим килиш, яъни муаллифлик хукукидан воз кечишини меросхўрларимдан илтимос киламан. Бу факат илтимос, васият эмас. Бажарсаларинг яхши. Бу сизлар учун хам яхши бўлади, бажармасаларинг — ўзларинг биласизлар. Демак, шундай килишни хохламайсизлар. Сўнгги ўн йиллар ичida асарларимнинг сотилиши — мен учун хаётимдаги энг оКир ишга айланди.

5) Яна энг асосийси, сизлардан якин ва узок кариндошлардан сўрайманки, мени макташга зўр берманглар (мен шундай килишларингизни биламан, хаётим давомида бу жуда нўнок тарзда амалга оширилди, агар асарларимни тарғиб килмокчи бўлсангиз

улар орасида худонинг хохиши билан адо этилган ва мен хаётим давомида амал килиб келган ўринларга ургу беринглар. Худонинг иродасини тарғиб этаётганимни калдан хис килган дакикаларим кўп бўлган. Баъзан манфурлик килиб, ўз хохиш истакларимга кул бўлган кезларимда ўзимдаги жаҳолат туфайли ана шу хаёт нури хиралашди, аммо бу хакикат нури вужудимни доим ёритиб турди, бу умримдаги энг баҳтиёр дамларимдир...

5 август, Ясная Поляна. Бир ой деярли ёзмадим. Ой яхши ўтди. Далада озгина меҳнат килдим. Сули ўрдим. Коневский устида кўп ишладим. Кимиrlаяпти. Бу вакт ичида Киднинг "Social Evolutsion"ини (8) ва ўзим хакимда "Wahrheit"да(9)ги макола ва хоказоларни ўқидим. ўзинг хакидагиларни ўқигандан бутун дунё факат сен килаётган ишлар билан шугулланаётгандек туюлади, аммо бу нотўгри Хилковнинг духбор таъкиб килинадиган хакидаги мактуби келди. Мен инглиз газетасига макола ёзиб жўнатдим. Хозир таржима килинмоқда...

...Колпнеда бўронда колиб кетдим. Мужикларнинг уйида хордик олдим. Улар бой экан, кечки овкат келтиришди: картошка, нон, бодринг иштаха билан ейилди. Рахитга чалинганд болалар, оғир меҳнат чакиб ташлаган эркаклар, чойшабсиз ўрин-тўшак, пашшалар, ифлослиқ. Энг ёмони, маънавий хотиржамликка ишонмаслиқ. Келажакдаги хаётини ўйламаслиқ, Исо масих сингари яшаш мумкинлигини тан олмаслиқдир...

- 
1. Толстой 1-18 январда А.В. ва А.М.Олсуфьевларнинг Москва губернаси. Никольское — Горушкийдаги меҳмондорчиликда бўлган эди.
  2. Толстой дўстлари билан тушган суратларни хотини негативлари билан йўқ килган эди.
  3. "Хўжайн ва хизматкор" хикояси.
  4. Николай II земство хайъати аъзолари хузурида кескин нутк сўзлаб, земствонинг ички бошқарув ишларида катнашиш хакидаги гапларни "самарасиз орзулар" деб баҳолаган эди. Бундан даргазаб бўлган либерал зиёлилар Д.И.Шаховский бошчилигида мажлис ўtkазишида, Толстой хам унга катнашган эди. У подшохнинг кескин нуткидан норозилигини "Беъмани орзулар" маколасида баён килади.
  5. Фин ёзувчиси Арвид Ернефельт, Н.Н.Страхов, Г.Фаст ва бошкалардан келган хатлар.
  6. Е.И.Поповнинг "Евдоким Никитич Дрожиннинг хаёти ва ўлими" асарига сўнгги сўз.
  7. Н.С.Лесков 1895 йил 21 февраль кечаси оламдан ўтган. У "Менинг сўнгги илтимосим" деб номланган сўнгги мактубида "энг кашшок одамлар" макомида дафн этишларини илтимос килган эди.
  8. Инглиз идеалист файласуфи Бенжамен Киднинг "Ижтимоий эволюция" китоби. Лондон, 1894 йил.
  9. Немис журнали "Wahrheit" (1895 йил, 31-36-42-сонлар)да Толстойнинг дикит маърифат таълимоти хакидаги маколалар эълон килинган эди, (1895йил

31-36-42-сонлар).

—

### 1908 йил 2 июль. Ясная Поляна.

Ўзим учун махфий кундалик тутишга киришдим. Агар килаётган ишларимдан кўнгиллар баҳра олаётганини англаб етганимда, агар оламни калбга жойлаб яшаш мумкин бўлмаганда, хаётим жуда оғир кечарди. Мен ҳакимда кимдир у хашамат ичидаги умр ўтказади, хеч кимни йўлатмайдиган коравуллари бор, хохласа дехконларини камокхонага ўтказиб кўяди, христианлик удумларини номига бажариб, хўжа кўрсинга гапириб юради, беш тийин садака беради, ярамас ишларини килиб кўйиб, хотининг оркасига яшириниб олган деб гап таркатса — уни аблах деб айблашга хаддим сигмайди! Инсон зотига хос бўлган шон-шуҳрат туйгусидан халос бўлиб, факат калб учун яшамокка шунинг ўзи кифоя килади.

Василий Морозовнинг хикоясини таҳрир килдим (1). Кўнглим азоб-укубатга тўла. Бу дилимга халоват беришини биламан, аммо бари бир оғир.

Ўз-ўзимдан сўрайман менга нима керак? Факат кочиб кутулиш. Каерга? Худога. Ўлимга. Ўзимга азоб бериб, ўлим тилайман.

Мана шу мулоҳазаларни ёзганимдан кейин Чертков мени суратга туширди (2) ва окибатда англаб бўлмайдиган, кўпол, вахший томоша бўлиб ўтди. Индамай юраверганим яхши иш бўляяптими ёки Буланже(3)га ўхшаб кочиб кетиб, яширганим маъкулми, деган фикр миямга келади...

Ўзинг мадад бер, тангри, мадад бер, мадад бер!!! Ўлиб кутулишдан бошка яхши йўл йўк.

З июль. Ич-этимни еб, ўзим билан курашяпман, аммо ёмон курашаяпман. Бу ердаги — Ясная Полянадаги хаётим бутунлай захарланган. Каерга борсам — уят ва шармандалик. Гоҳ камокхонадаги грумондлик мужиклар, гоҳ коровуллар, гоҳ кария В.Суворов: “Гуноҳ, граф, оҳ, гуноҳ, графиня хафа бўлди”, дейишади. Ўламасдан солинган йўл сабабли

шундай бўлаяптими? (4) Огир, билолмайман, кайфиятим шунинг учун ёмон ёки хаёт даҳшатлари туфайлими О, менга мадад бер, менинг сийратимга мадад бер...

4 июль. Ахвол сал яхшиланди, аммо хамон огир. Саша билан яхши гаплашдик. Жуда галати холат — эркакларга отасининг акли, онасининг феъл-атвори ўтади ва аксинча.

6 июль. Булар даҳшатли тақдир синовларими ёки ишқпастлик учун берилган жазоми? Даҳшатли даражадаги огир жазо. Хозиргина Чертков у билан бўлиб ўтган сухбатни айтиб берди: “У дабдабали хаёт кечиради, яна буларни ортиқча хашамат деб хисоблади”. Мен эса, ўзимни курбон килаяпман... ва х.к. Менга мадад бер, раббим. Яна кетишни хохляяпман. Аммо журъат килолмайман. Воз кечолмайман хам. Энг муҳими: кетсам ўзим учун кетаман. Агар колсам, бошкаларни деб колган бўламан, буни яхши биламан. Факат худодан мадад сўраш керак. Энди шундай киламан.

7 июль. Кечаги кун жуда азоб билан ўтди. Пулларни таҳлаб кандай кетишимни тасаввур килиб кўрдим. Унга очик кўнгил билан карай олмайман. Хозир ахвол сал ўзгарди...

Хамма менинг таржимаи холимни ёзиш билан овора. Уларда ўсмирликдаги киликларим хакида хеч нарса дейилмайди. 13-14 ёшдан то 15-16 ёшгача (бошка оиласаларда ахлокий бузилиш неча ёшдан бошлангани билмайман) жинсий майилларимни хамда дехкон кизи Аксинья билан алокаларимни – у хозир тирик – хеч ким билмайди. Кейин уйланиш, хотинимга бирон марта хиёнат килмасам-да, муҳаббат масаласида унга жинояткорона локайдлигим... Булар жуда муҳим, ўзим бу илатларимни англаб етганман, улар бошкаларга ибрат бўлиши жихатидан хам муҳим.

9 июль. Унга хат ёзишни ўйлаяпман. Худога шукур, ёмон ниятим йўқ. Факат бир нарса: мен яшаётган муҳитдаги тасаввурга сигмайдиган телбаларча ортиқча хашаматлар ва аслида йўқ кашшокликдан шикоятлар.

Буларнинг хаммаси ёмондан-ёмон, огирдан-огир тарзда давом этмоқда. Уларни унотолмайман, кўришга токатим йўқ.

18 июль. Ёмон ўйлардан кутулдим. Кўнглим ёришди. Кеча иккита кочкин денгизчи келди (5). Пул бердим, дуо килдим. Яхши ўйлаяпман. Кўнглим кувончи — Саша тўйдан кайтиб келди. Уни жудаям яхши кўраман. Оёгим огрийди. Хамма нарсага бефарқ карайман.

1. Толстой ясполяналиқ дәхкон В.С.Морозовнинг “Бир оғиз сўз” хикоясини кайта ишлаб, сўз боши ёзиб берган эди.
2. В.Г. Чертков англялик фотограф Томас Тапселни олиб келиб, Толстойни суратга туширган эди. Чертковнинг бу иши Софья Андреевнада норозилик уйготади.
3. П.А.Буланже давлат пулларини киморга ютказиб кўйиб, Кавказга кочиб кетган ва жонига касд килганди, деб гап таркатган эди.
4. Ясная Полянага олиб борадиган янги йўл дәхконларнинг манфаатига зарар етказган эди.
5. Кўзголон қўтарган “Потёмкин” броненосецидаги матрослардан бўлса керак.